

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
Вазирлиги**

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

**Ғарб тиллари бўйича номзодлик имтиҳонларига тайёргарлик
кўриш бўйича ТошДШИ аспирантлари ва изланувчилари учун**

ЙЎРИҚНОМА

Тошкент – 2010

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

Ғарб тиллари бўйича номзодлик имтиҳонларига тайёргарлик кўриш бўйича ТошДШИ аспирантлари ва изланувчилари учун

ЙЎРИҚНОМА

Мазкур йўриқнома ТошДШИ Ғарбий Европа тиллари кафедрасида ОАК нинг “Илмий даража ва илмий унвонларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низоми ҳамда аспирантлар ва изланувчиларнинг умумназарий ва махсус тайёргарлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш, шунингдек номзодлик имтиҳонларининг илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг муҳим бўғини сифатидаги ролини кучайтириш кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ тегишли буйруқларига биноан ишлаб чиқилди. Дастурни тайёрлашда маҳаллий ва хорижий тажрибадан ижодий фойдаланилди.

Муаллиф: фил. ф. н., доц. В.М. Раҳимова

Масъул муҳаррир: кат. ўқит. С.К.Аҳмедова

Такризчилар: фил. ф. н., доц. С. Р. Сотиболдиева

кат. ўқит. А.Р.Дониёрова

Мазкур услубий ишланма нашрга ТошДШИ Услубий Кенгаши томонидан тавсия этилган)_____

Кириш

Чет тилларни ўрганиш олимнинг умумтаълим ва махсус тайёргарлигининг узвий қисми ҳисобланади. Чет тилларни билиш олимга илмий информация манбаларига кенг йўл очиб, унга жаҳон илм фани ютуқлари билан танишиш, илмий ва маданий тараққиёт янгиликларидан хабардор бўлиш, билим ва ютуқлар билан халқаро миқёсда алмашилишнинг турли шаклларида фаол иштирок этиш имконини беради.

Чет тилларни билиш олимнинг дунёқарашини кенгайтириб, уни чет мамлакатлар халқларининг тарихи, маданияти ва маиший ҳаёти элементлари, сиёсий ҳаёт воқеа ҳодисалари билан таништириб, ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбия топишига кўмаклашади. Чет тилларни билиш - мамлакат интеллектуал потенциални ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Барча мутахассисликдаги аспирантлар (изланувчилар)нинг чет тилини ўрганишдан **мақсади** - ушбу тилни амалий жиҳатдан эгаллаб, ундан илмий ишида, маданий ва жамоатчилик ҳаётида фойдаланиш имкониятига эга бўлишдан иборат.

Чет тилини мазкур курс доирасида амалий эгаллаш турли нутқ фаолияти турларида қуйида кўрсатилган имкониятларни берадиган маҳоратга эга бўлишни кўзда тутади:

- чет тилидаги оригинал адабиётларни эркин ўқий олиш;
- чет эл манбалардан олинган маълумотни оғзаки ва ёзма таржима тарзида расмийлаштириш (ишлов бериш);
- чет тилида аспирант (изланувчи) илмий иши билан боғлиқ бўлган хабарлар ва маърузалар қилиш ва мутахассислиги бўйича ҳамда сиёсий ва ижтимоий масалалар юзасидан суҳбатлаша олиш.

“Чет тили” аспирантлик курси вазифалари қаторига олий мактабда олинган чет тилига оид турли нутқ фаолияти бўйича билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни такомиллаштириш ва ривожлантириб бориш киради.

Чет тилидан номзодлик имтиҳонининг ўзига хос хусусиятларини мазкур дастур ҳажмида чет тилини амалий эгаллашни таъминлайдиган кўникма ва маҳоратларнинг зарур даражаси текширувдан ўтказиладиган талаблар ташкил этади, яъни:

Номзодлик имтиҳони талаблари

1. Аспирант мутахассислиги бўйича оригинал матнни ўқиш ва луғат ёрдамида ўз тилига ёзма равишда таржима қилиш (бу ерда унинг илмий тадқиқоти муаммоси назарда тутилади). Матн ҳажми 2500 босма белги. Минимум (матннинг 75%) бажарилмаган тақдирда имтиҳон тўхтатилади. Таржима қилиш учун бериладиган вақт - 45 дақиқа. Текширув шакли - матннинг бир қисмини овоз чиқариб ўқиш, тайёрланган таржимани текшириш. Луғатдан фойдаланиш вақти юқорида кўрсатилгани каби вақт билан чекланган.

2. Мутахассислик бўйича оригинал матнни танишув тариқасида ўқиш (луғатсиз). Матн ҳажми 1200-1500 босма белги. Тайёргарлик кўриш вақти 5-7 дақиқа. Текширув шакли - матн мазмунини она тилида ифодалаб бериш. Қўшимча текширув шарти сифатида тайёрланмай туриб оғзаки таржима қилишдан фойдаланиш мумкин.

3. Луғат ёрдамисиз ўқилган ижтимоий-сиёсий матн мазмунини чет тилида баён этиш. Матн ҳажми 1500-2000 босма белги. Тайёрланиш вақти – 10-15 дақиқа.

4. Чет тилида аспирант (изланувчи)нинг мутахассислиги ва илмий иши билан боғлиқ масалалар ҳамда ижтимоий мавзу юзасидан суҳбатлашиш.

Курс мазмуни

Мазкур дастур олий ўқув юртида ўрганган чет тилини ўрганишда давом этаётган аспирант (изланувчи)лар учун мўлжалланиб, 140-200 соат аудитория ҳамда камида 300-400 соат мустақил шуғулланишни ўз ичига олган икки семестрга (ўқув йилига) режалаштирилган. Биринчи семестрда таълим олаётган гуруҳ 6-5 аспирантдан, иккинчи семестр ўқиётганлари эса 2-3 аспирантдан иборат (ОАК қоидаларига қаранг).

Соатлар тақсимоотида қуйида келтирилган вақт меъёрларига эътибор берилиши шарт:

кириш имтиҳони – ҳар бир имтиҳон топширувчига – 0,5 соат;
номзодлик минимуми топшириш учун – ҳар бир аспирантга – 1 соат;
ҳар бир рефератни текшириш учун – 3 соат.

Ўқиш ҳамда унинг устида аудитория ва мустақил машғулотлар жараёнида ишлаш учун махсус адабиётларни танлаб олишнинг мезони, унинг оригиналлиги ва номзодлик диссертацияси илмий муаммосини ҳал этишдаги долзарблилиги ҳисобланади. Бунда диссертант ўз илмий фаолиятида бошқа мамлакатларда тўпланган назарий ва амалий тажрибани ҳисобга олиши ва ўзи танлаган тадқиқот соҳасида эришилган жаҳон ютуқларидан фойдаланиши шарт.

Курснинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда асосий мақсад - чет тилидаги оригинал матнлар ёрдамида нутқ фаолиятига ўргатишдан иборат бўлиб, улар асосида ўқиш, сўзлаш, тинглаш, таржима қилиш, аннотация ва рефератлар, хатлар тайёрлаш соҳасидаги зарур нутқий кўникма ва маҳоратлар такомиллашиб боради. Шу билан бирга фонетика, лексика, грамматика соҳаларидаги зарур билим ва маҳоратлар ҳам такомиллашиб, кенгайиб ҳамда чуқурлашиб бораверади.

Курс ва ўқув машғулотлари тузилмаси, ўқув вақти ва тилга оид материал ҳажми умумий бюджетининг аудитория, амалий машғулотлар ҳамда аспирантларнинг мустақил ишларига тақсимланиши биринчи навбатда шахсийлаштирилган таълим режимида, номзодлик имтиҳонида кўзда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Нутқ фаолиятига оид кўникма ва маҳоратларга қўйиладиган талаблар

Нутқ фаолиятининг турли кўринишларига ўргатиш биргаликда ва улар ҳар бирининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўзлаштириш жараёнини бошқариш таълимнинг ҳар бир муайян босқичида аниқ мақсад қўйилганлиги билан таъминланади. Мазкур курсда нутқнинг у ёки бу фаолияти турининг белгиланган даражасига эришиш учун чет тилини амалий эгаллашда профессионал (касбий) йўналишига оид талаб - асосий ва белгиловчи омил ҳисобланади.

Ўқиш. Чет тилида ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш *кўздан кечириш, танишиш* ва *ўрганиш* каби ўқув турларини турли даражадаги тўлиқлик ва аниқлик билан тушунган (англаган) ҳолда эгаллашни назарда тутати.

Кўздан кечириб ўқиш мақсади - матн мавзуси билан таништириш бўлиб, у ўқиб олинган маълумот асосида қўйилган муаммо нуктаи назаридан матнга қисқача тавсиф беришдан иборат. Таништириш ўқиши мавзу ривожини ҳамда муаллифнинг умумий асослаш йўлини кузатиш маҳорати, асосий информациянинг камида 70% ини тушуниш маҳорати билан тавсифланади. Ўрганиш учун ўқиш матн мазмунини нисбатан тўлиқ ва аниқ англашни кўзда тутати.

Ўқилган матн-манбани тушуниш ҳамда унинг информатив мазмунини ифодалаб беришни назорат қилиш шаклларида бири сифатида она тилида ўқув турига боғлиқ равишда қуйидагилардан фойдаланилади: саволларга жавоб бериш, ўқилганни батафсил ёки умумлашма қайта ҳикоя қилиб бериш, унинг мазмунини таржима, реферат ва аннотация кўринишида ифодалаш. Ўқиш тезлиги машқи: эркин тарзда овоз чиқариб тез ўқиш ҳамда овоз чиқармай (ичида) ўқишга, шунингдек луғатдан фойдаланган ҳолда ўқишни машқ қилишга ҳам алоҳида эътибор берилиши лозим. Ўқишнинг барча кўринишлари ягона якуний мақсад - тор ва кенг мутахассисликка оид чет тилидаги матнни эркин ўқий олишга қаратилиши керак.

Ўқиш маҳоратининг асосий белгиларидан бири - ўқиш характерини унинг мақсадига боғлиқ равишда ҳамда матн мураккаблигидан келиб чиқиб, тегишли суръатни сақлаган ҳолда ўзгартира олишдан иборат. Эркин ўқий олиш мақсади - ўқиладиган матнда асосий, таянч маъно блокларини ажратиб олиш, унинг тузилиш - семантик ядросини белгилаш асосий фикр ва фактларни ажратиб кўрсатиш, мантикий алоқаларни топа билиш, ортиқча информацияни истисно этиш, ажратиб олинган қоидаларни умумийлик тамойилига кўра гуруҳлаштириш ва бирлаштириш, шунингдек тилнинг асосланган англаб етиш кўникмаларини шакллантириш (контекст, сўзнинг ясалиши, байналмилал сўзлар асосида), келиб тушаётган информацияни олдиндан англашга интилиш кўникмаларини шакллантириш кабилардан иборат.

Курс давомида ўқиш кўникмаларининг шаклланганлигини кўрсатадиган вақтинчалик мезон бўлиб, овоз чиқармай ўқиш суръатининг қуйидаги

даражага яқинлашиши ҳисобланади: мазмунни 70% қамраб олган ҳолда танишув ўқиши - бир дақиқада 500 босма белги; тезлашган, кўздан кечириб ўқиш учун бир дақиқада 1000 босма белги. Эркин (бемалол) ўқиш учун “Таржима” бўлимида келтирилган нормативларга асосланиш талаб этилади.

Тинглаш ва сўзлаш. Оғзаки нутқнинг профессионал йўлланганлигига эришиш мақсадида тинглаш ва сўзлаш кўникмалари ўқиш кўникмалари билан бирга ривожлантириб борилиши лозим. Бунда асосий эътиборни оғзаки нутқнинг коммуникативлиги, монолог ва диалог (суҳбат) тарзидаги нутқ шаклидаги ибораларнинг табиий - асосланганлик жиҳатларига (тушунтиришлар, аниқлик киритишлар, рад этишлар, қиёслашлар, қарама-қарши қўйиш, саволлар, илтимослар ва ҳ.к.) берилиши лозим.

Курс охирига келиб аспирант (изланувчи) қуйидагиларни эгаллаган бўлиши лозим:

- мутахассисликка оид мавзулар ҳамда диссертация иши юзасидан мустақил тайёрланган ва тайёрланмаган ҳолда фикр билдириш даражасидаги монологик нутқ кўникмалари (хабар, маълумот, маъруза шаклида);

- унинг илмий иши ва мутахассислиги билан боғлиқ масалалар ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзулар муҳокамасида иштирок этиш имконини берадиган диалогик (суҳбат) нутқи кўникмалари.

Сўзлаш ва тинглаш кўникмаларининг шаклланганлиги сифатида қуйидаги мезонлар хизмат қилиши мумкин:

Сўзлаш - фикр билдириш ҳажми 5 дақиқа давомида тахминан 20-25 жумла.

Тинглаш - информация тақдим этиш суръати бир дақиқада 250-280 сўзга тенг.

Таржима - чет тилидан она тилига оғзаки ва ёзма таржима чет тилини эгаллаш воситаси, ўқиш маҳорат ва кўникмаларини ривожлантириш усули, тўлиқ ва аниқ тушунишни назорат қилишнинг энг самарали услуби сифатида қўлланилади. Таржиманинг муайян профессионал бўлмаган кўникмаларини шакллантириш учун илмий функционал услуб хусусиятларига оид баъзи маълумотлар, шунингдек таржима назарияси хусусидаги: таржима тушунчаси; эквивалент ва аналог; таржима трансформациялари; таржима жараёнидаги йўқотишлар ўрнини тўлдириш; контекстуал алмаштиришлар; сўзларнинг куп маънолилиги; сўзнинг луғавий ва контекстуал (матндан келиб чиқадиган) маъноси; байналмилал сўзлар маъносининг мос тушиши ва турличалиги кабилар талаб этилади.

Қуйидаги меъёрларга яқинлашиш курс давомида таржима қилиш кўникмаларининг шаклланганлигини кўрсатадиган вақтинчалик мезон бўлиб ҳисобланади:

- 45 дақиқа давомида 2000-2500 босма белги ҳажмидаги матнни ёзма таржима қилиш;

- 4000-5000 босма белгили матнни оғзаки таржима қилишга тайёргарлик кўриш вақти 45 дақиқа.

Аннотация ва реферат тайёрлаш. Аннотация ва реферат тайёрлаш бўйича маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, биринчи навбатда чет эл

тилини эгаллашга қаратилган усул сифатида, шунингдек чет эл манбалардан олинган маълумотларни расмийлаштиришга ўргатиш учун қўлланилади. Аннотация ва реферат тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказишдан аввал қуйидаги назарий қоидалар ўзлаштириб олиниши шарт:

- аннотация ва рефератнинг моҳияти ва мақсади: аннотациялар (баён ва реферат кўринишидаги) ва рефератлар (реферат-конспект, реферат-резюме, обзор-реферат) турлари; аннотация ва рефератнинг тузилиши ва мазмуни.

Амалий маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш қуйидагиларни кўзда тутади:

- тузилиш - семантик ядро (асос)ни белгилай олиш; асосий фикрлар ва фактларни ажратиб олиш; ортиқча маълумотни мустасно этиш; ажратилган қоидаларни умумийлик тамойилига кўра гуруҳлаштириш ва бирлаштириш; ушбу қоидалар учун умумий бўлган фикрни ажратиш, уларни бир гуруҳга бирлаштириш.

Хат. Турли нутқ маҳорат ва кўникмаларини ривожлантиришда, чет тилида хат битиш кўникмаларини ривожлантириш ҳам жиддий аҳамиятга эга. Мазкур курсда хат тил материални ўзлаштиришни фаоллаштириш воситаси сифатида кўриб чиқилади. Вақти вақти билан грамматик ва лексик материал асосидаги ёзма машқларни ўтказиш, ўқилган матн режасини ёки конспектини тузиш, ўқилган матн моҳиятини ёзма тарзда баён этиш (шу жумладан реферат, аннотация шаклида), аспирант (изланувчи) мутахассислиги мавзулари юзасидан маърузалар ва хабарлар ёзиши мақсадга мувофиқ. Баъзан чет тилида шартли хат битиш машқлари ҳам фойдадан холи эмас.

Таълимий тил материали жиҳатлари

Нутқ фаолиятининг барча турларини эгаллаш комплекс равишда, муайян фонетик, лексик ва грамматик материални эгаллаш ва такомиллаштириш билан биргаликда олиб борилади.

Тил материали хусусий ҳодиса эмас, балки тизим кўринишида, ўхшаш (қардош) ҳодисалар гуруҳлари обзори ва умумлашмаси ҳамда уларни қиёслаш шаклида кўриб чиқилиши лозим.

Фонетика. Овоз чиқариб ўқиш ҳамда оғзаки сўзлашга оид талаффуз маҳорат ва кўникмаларини такомиллаштириш бўйича комплекс ишлар давом эттирилади. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- интонация жиҳатлари (жумладаги урғу ва паузаларни тўғри жойлаштирганлиги, оҳангига эътибор берган ҳолда нутқ тактларига ажратиш);

- сўздаги урғу (ясама ва мураккаб сўзлардаги урғу, урғуни сўз яшаш воситаси сифатида кўчириш);

- унли товушларнинг чўзиқ ва қисқалиги, очиқ ва ёпиқлигини ўзаро карама-қаршилаш ва ҳ.к.;

- талаффуз устида ишлаш, у ўқиш учун мўлжалланган матн материаллари, шунингдек махсус фонетик машқлар ва лаборатория ишлари асосида юритилади.

Лексика. Курс якунига келиб аспирант (изланувчи)нинг лексик сўз захираси олий ўқув юрти минимуми (3700 бирлик) ва потенциал луғатни ҳисобга олиб, камида 5000 лексик бирликдан иборат бўлиши лозим (асосий мутахассислик бўйича тахминан 500 атама ҳам шунга киради). Ундан тахминан 3300 бирлик ўқиш, таржима қилиш, аннотация ва рефератлар тузиш кўникма ва маҳоратини ривожлантириш учун зарур лексикани ташкил қилса; 1700 лексик бирлик эса оғзаки нутқ кўникмалари ривожига хизмат қилади. Факультет ёки олий ўқув юрти мутахассислигига боғлиқ равишда лексик бирликларнинг тавсия этилаётган нисбати бир мунча ўзгариши ҳам мумкин.

Лексика устида ишлашда қуйидаги ҳодисаларга эътибор қаратилади: сўз ҳосил қилиш механизмлари; сўзнинг кўп маънолилиги ва унинг контекстуал маъноси; синонимлар ва омонимлар; сўзларнинг семантик жиҳатдан бирикиб келиши - эркин бирикмалар, барқарор феълли бирикмалар, фразеологик иборалар; келиб чиқиши байналмилал сўзлар, уларнинг она тили ҳамда чет тилидаги маъносининг ҳажми ўзаро мувофиқлиги ва фарқланиши; қисқартмалар ва шартли белгилар; саф сўзлар.

Грамматика. Мазкур дастур аспирант (изланувчи) чет тили бўйича олий ўқув юрти курсининг грамматик минимумини амалий жиҳатдан эгаллашини кўзда тутди. Ўқиш, таржима қилиш, аннотация тузиш учун айниқса билиш зарур бўлган грамматик материални умумлаштириш ва тизимлаштиришда биринчи навбатда илмий ва хизмат функционал услубларига оид ҳодисаларга; мураккаб синтетик конструкцияларга, феълнинг шахсий бўлмаган шакллари асосидаги оборотларга; эга ва кесимни ифодалаш воситаларига; кўп элементли таърифларга; пассив конструкцияларга; боғловчили ва боғловчиларсиз бўйсинувга; тил жиҳатидан тежаш ҳодисалари кабиларга алоҳида эътибор берилади.

Ўқув материаллар

Уйда ўқиш учун ва ўқув материали сифатида асосан аспирантнинг тор мутахассислиги, унинг диссертация муаммоси билан боғлиқ оригинал монографик адабиётлар ва даврий илмий нашрлар, шунингдек аспирант томонидан илмий тадқиқот учун кенг ихтисосли мавзу бўйича танланган асарлардан фойдаланилади. Дунёқарашни кенгайтириш мақсадида уйда ўқиш учун ижтимоий-сиёсий мазмундаги адабиётлар, хорижда нашр этиладиган илғор газета ва журналлардан олинган мақолалар қўлланилади.

Оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган мутахассисликка оид матнлар, ижтимоий-сиёсий мазмундаги матнлар (газета ва журналлардан олинган) ҳамда аспирантлар ва талабалар оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган ўқув қўлланмалари (хрестоматиялар, матн тўпламлари) жалб этилади.

Оғзаки нутқ кўникмалари мавзулари ўз ичига қуйидаги муаммоларни олиши мумкин: мустақил Ўзбекистон, унинг буюк ўтмиши, бугунги куни ва келажаги; халқаро иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорлик; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; илмий анжуманлар ва симпозиумлар; илм-фаннинг муайян

соҳасидаги буюк олимларнинг илмий ва техникага оид ютуқлари ва қўшган хиссаси; аспирантнинг илмий иши; ўлкашуносликка оид масалалар.

Турли мақсадларга қаратилган вақт мезонини ҳисобга олган ҳолда, турли иш кўринишлари бўйича тўлиқ таълим курси жараёнидаги илмий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг умумий ҳажми тахминан 500000-600000 босма белги, яъни 200-250 саҳифани ташкил қилиб, ундан камида 75000 б.б. ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлиши шарт. Ҳар бир аспирант (изланувчи)нинг махсус уйда ўқиш, ижтимоий-сиёсий ўқувини топшириш ва ҳисобга олишни ўқитувчи шахсий дафтарида белгилаб боради.

Ўқув жараёнини ташкиллаштириш

Курснинг ўзига хос жиҳати - индивидуаллаштирилган таълим эканлигида бўлиб, у ўқув жараёнининг ташкил этилиши, шакллари ва усуллари белгилаб берадиган мустақил таълимга таянади. Мазкур дастур асосида, муайян шарт-шароит ва аспирантлар тайёрлигидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ўқув материалининг мавзулари ва вақт тақсимланишини, масалан, оригинал илмий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларни, шу билан бирга аспирантнинг илмий иш йўналишига нисбатан фонетика, грамматика, лексика бўйича ўқув материалларининг аспирант (изланувчи) ёки аспирантлар гуруҳининг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда муайян чет тили бўйича ўқув материалларини вақт бўйича тақсимланишини белгилайди.

Ўқитувчи раҳбарлигида ва унинг назорати остида аввал кўрсатилган соатлар ҳисобидан келиб чиқиб ва дарслар жадвалига мувофиқ равишда ҳам гуруҳ, ҳам индивидуал машғулотлар, консультациялар, аудиовизуал техника иштирокидаги лаборатория машғулотлари ўтказилади. Бу машғулотларда турли мақсадлар учун мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, аспирантнинг илмий йўналиши (диссертация) учун махсус танланган материаллар (матнлар) ва ижтимоий-сиёсий ўқув матнларидан фойдаланиш мумкин. Илмий махсус йўналишидаги ва ижтимоий-сиёсий ўқиш аспирантлар (изланувчилар) машғулотларида юқорида келтирилган меъёрлар бўйича қабул қилиниб, аспирантнинг уйда мустақил ўқишини ҳисобга олиш ва топшириш бўйича махсус дафтарларда икки бўлим: махсус ва ижтимоий-сиёсий ўқиш бўйича қабул қилинади. Бунда варақ икки устунга ажратилиб, биринчисида тўлиқ библиографик маълумотлари билан келтирилган манба номи, ўқилган материал ҳажми (саҳифа ёки босма белги), топшириш санаси ва ўқитувчи имзоси қўйилади.

Аспирантлар (изланувчилар) номзодлик имтиҳонида қайд этиладиган реферат ҳамда ўқилган материални ҳисобга олиш дафтари билан бирга атамалар (терминологик) луғатлар тузадилар.

Дарслар жадвалидаги машғулотлар, аудитория дарслари ва ўқитувчи билан учрашувнинг ҳар бир соатига аспирант камида 1,5-2 соатдан ҳафтасига 3 ҳафтадан кам бўлмаган ҳолда мустақил шуғулланиши шарт. Аспирантнинг илмий иши йўналишига оид махсус оригинал илмий материаллар ҳамда ўқув материаллар, (ўқитувчи топшириғигага биноан) ижтимоий-сиёсий адабиётлар

шулар ҳисобига киради. Бу оғзаки ва ёзма, бевосита ва тескари таржималар, аспирантнинг илмий иши йўналиши бўйича илмий матнларга реферат ва аннотациялар тайёрлаш; аспирантнинг илмий иши билан боғлиқ, ижтимоий-сиёсий муаммолар мавзуси юзасидан, илмий анжуманлардаги илмий доираларда қўлланадиган, шунингдек хорижлик олимлар билан ёзма ва оғзаки мулоқот боғлаш даврида қўлланадиган лексика бўйича оғзаки ва ёзма нутқни эгаллаш бўйича ишлар бўлиши мумкин.

Ўқув даври якунида, махсус ва ижтимоий-сиёсий ўқув меъёрлари топширилганидан сўнг аспирант номзодлик имтиҳонларидан бир ой олдин ўз илмий иши йўналиши бўйича ўқиб чиқилган махсус илмий адабиётлар юзасидан 12-15 саҳифа ҳажмидаги реферат тақдим этади. Рефератнинг титул варағига аспирантнинг илмий раҳбари ва чет тили бўйича етакчи ўқитувчи имзо қўядилар. Реферат охирида унда фойдаланилган чет эл илмий адабиётлар рўйхати илова қилинади. Рефератга илмий раҳбар тақризи ҳам илова сифатида қўшиб қўйилади.

Амалий машғулотларда таржима техникаси, тил ҳодисаларини идрок этиш, матн мазмунини очиб беришга қаратилган савол-жавоб машқлари, режа тузиш, хат боши ва жумлаларни қисқартириш каби машғулот мақсадларини бажарилишини таъминлайдиган лексик, грамматик ва нутқ машқларидан заруратга қараб фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек мақоланинг мантикий асоси, моҳиятини белгилаб олиш, жиддий ва муайян деталларни тушуниш ва фарқлаш, асосий фикрларни мавзу жиҳатидан умумлаштириш кабиларни ривожлантиришга қаратилган машқларни қўллаш ҳам яхши натижа беради.

Оғзаки нутқни эгаллашга қаратилган мақсадга эришишда ҳам машғулот сифатида ижодий машқ турларини қўллаш талаб этилади. Бунда асосли (мантикий) нутқни рағбатлантирадиган машғулотларни имкон қадар кўпроқ қўллаш маъқул. Матн муҳокамаси фақат унинг мазмунини сўзлаб беришдан иборат бўлмай, балки у билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўз ичига олиши лозим. Аввалдан тайёрланган ва тайёрланмаган жумлалар, иборалар чет тилида алоҳида қоидалар, графиклар, жараёнлар (матнда келтириладиган) шарҳи, танқидий таҳлил элементлари, ўз шарҳи ва баҳоси, фактларнинг қиёсланиши кабиларни ўз ичига олган бўлиши шарт. Оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш мавзулари ичида аспирантнинг илмий иши ва мутахассислиги билан боғлиқ профессионал (касб-хунар) масалаларга, маамлакатимиз ички ва халқаро ҳаёти масалаларига кўпроқ эътибор берилади.

Индивидуал машғулотларда аспирант (изланувчи) махсус матн устида мустақил ишлаш жараёнида юзага келадиган барча муаммоларга ўқитувчи ёрдамида аниқлик киритади ва шу иш юзасидан ҳисобот топширади. Бундай ҳисобот библиографик тўплам, танлаб олинган оғзаки ва ёзма таржима, оғзаки ва ёзма аннотация ва рефератлар, ўқилган материал юзасидан она тилида ва чет тилида тайёрланган қисқа хабарлар ва докладлар шаклига эга бўлиши

мумкин. Мустақил ишлар, нисбатан самарали шаклда, гуруҳ машғулотларида ҳам қисман амалга оширилиши мумкин.

Маърузалар. Курс бошида барча таълим олаётганлар гуруҳи бўйича лекциялар туркумини (4-6 соат) ўқиш тавсия этилади. Маърузалар мавзуси қуйидагича бўлиши мумкин: тили ўрганилаётган мамлакатлардаги таълим ва илмий ҳаёт, аспирантлик курсининг мақсадлари ва вазифалари, номзодлик имтиҳонлари талаблари, ишнинг ташкилий шакллари, ўқув меъёрлари кабиларга оид йўл-йўриқ маърузаси; функционал услуб хусусиятлари ҳам маъруза мавзуси бўлиб келиши мумкин; таржима техникаси; баъзи мураккаб лексик-грамматик бўлимлар ва ҳ.к.

Консультациялар. Аспирантлар индивидуал тайёргарлигидаги муаммолар, материал мураккаблиги, объектив сабабларга кўра ўқув графигидан четлашиш (масалан, узоқ муддатли хизмат сафари ва ҳ.к.) сабабли юзага келган зарурат туфайли курснинг 10-20% ҳажмидаги қўшимча консультациялар кўзда тутилиши мумкин. Номзодлик имтиҳонига қўйиш рухсатномасини расмийлаштиришда аспирант (изланувчи) тайёргарлигини текшириш учун камида 2 соат ажратилади.

Аспирантлар билан шуғулланишга оид бошланғич шарт-шароитни (билим даражаси, уларнинг якуний ўқув мақсади, таълимнинг индивидуаллаштирилишига тайёрилиги, гуруҳ таркибининг турли савияга эгаллиги) ҳисобга олиниб, ўқув жараёнини интенсивлаштиришнинг қуйидаги йўллари тавсия этилиши мумкин.

Ўқув техникасини қўллаган ҳолда лаборатория ишлари, биринчи навбатда, аспирант (изланувчи)ларнинг мустақил, аудиториядан ташқари тайёргарлигига қараб, олдида муайян маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, шунингдек оғзаки тил материални ўзлаштириш каби мақсадларни қўйиши мумкин. Овоз ёзиш техникаси асосан тинглаш ва сўзлаш кўникмаларини ривожлантириш (суҳбат мавзулари, шу жумладан мутахассислик бўйича чет тилидаги қисқа маърузалар материали), ўргатиш, назорат қилиш дастурлари эса (агар шундай дастурлар лабораторияда мавжуд бўлса) ўқув материални ўзлаштиришни фаоллаштириш ва бунинг назорат қилиш ҳамда танишиш ва кўздан кечириш мақсадида ўқиш кўникмаларини ривожлантириш учун тавсия этилиши мумкин. Бундан ташқари, оғзаки нутқ лабораторияси аспирант (изланувчи)лар етарли даражада тайёргарликка эга бўлмаган ҳолларда тузатиш курслари учун қўлланилиши мумкин. Юқорида номи келтирилган таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш услубларидан ташқари гуруҳ машғулотларида моделлар, суратлар, схемалар, жадваллар, чизмалар, фоно-ёзувлар, шунингдек диапозитивлар ва турли-туман фильмлар каби кўргазмали воситалардан фойдаланиш тавсия этилади. Таълимнинг техника воситаларидан комплекс равишда фойдаланиш айниқса яхши самара бериб, унинг зарур шарти ҳисобланади.

Мутахассислик бўйича ўқиш учун оригинал материалларни оқилонан танлаб олиш ҳам ўқув жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиб, бу ишни

шу йўналишдаги кафедралар аспирант (изланувчи)лар илмий раҳбарлари ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шу йўналишдаги кафедраларда чет тиллардаги тавсия этилган адабиётларнинг рўйхати бўлиши шарт. Таълим жараёнида тавсия этилган чет тилидаги адабиёт ўқув материали бўлиш билан бирга аспирант (изланувчи)нинг диссертация ишига ҳам бевосита алоқадор бўлса, чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортади. Шунингдек аспирантлар орасида чет тилида анжуман ва симпозиумлар ўтказиш, уларни атамашунослик луғатларини тузишга, шу йўналишдаги кафедраларнинг ёзма таржима бўйича буютмаларини бажаришга, институт илмий-тадқиқот сектори бўйича патентларни таржима қилиш ишларига, институт кутубхонасига келиб тушаётган чет тилларда ёзилган китоблар ва журналлар мақолаларига аннотациялар тузиш ва рефератлар ёзиш каби ишларга жалб қилишни тавсия этиш мумкин.

Назорат шакли

Мунтазам равишдаги ёзма ва оғзаки назорат унинг турли, шу жумладан техник воситалардан фойдаланган ҳолдаги кўриниш ва шакллари, усулларининг биргаликда қўлланишини кўзда тутди. У билим, маҳорат, кўникмаларни мустаҳкамлашнинг таъсирчан усули, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Назоратнинг у ёки бу усуллари танлашда, биринчи навбатда, қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- аспирантнинг ўқув ишига объектив баҳо бериш, текширишда унга ажратиладиган вақт омили ҳал қилувчи ўрин тутиб, шу сабаб юқорида тавсия этилган вақт доирасидан ташқарига чиқмаслик керак бўлади;
- назорат бир мақсадга йўлланган, яъни шаклан ва моҳиятан текширувнинг муайян мақсадларига мос ва хос бўлиши шарт.

Кундалик жорий назорат турли кўринишдаги уй вазифаларига лаборатория ишлари бажарилишини, лексик-грамматик материал ўзлаштирилишини, луғат (айниқса атамашунослик луғати) юритилишини кўзда тутди.

Мазкур дастурда санаб ўтилган маҳорат ва кўникмаларни такомиллаштириш натижаларини текшириш мақсадида оралиқ назорат вақти-вақти билан ўтказиб турилади (бир курс давомида тахминан 3-4 маротаба). Қуйидагилар унинг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади: вазифа бажариш сифатининг ошиши, мос равишда вақт параметрлари қисқариши, луғатдан тобора камроқ фойдаланиш.

Назоратнинг турли кўринишларини, шу жумладан тестлар асосида қурилган шакллари жалб этиш, номзодлик имтиҳони талабларида кўрсатилган текширув шакллари қўллаш (меъёрларга тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда) тавсия этилади.

Курснинг ўрталарида оралиқ назорат натижалари бўйича аспирант (изланувчи)лар аттестациясини ўтказиб, бунда аспирант тайёргарлиги савиясининг ўсиш даражаси ва ишланган адабиётлар миқдори, бажарилган

лаборатория ишлари, ёзма ва оғзаки таржималар, аннотациялар, рефератлар миқдори кўрсатиб ўтилади.

Номзодлик имтиҳони якуний назорат тури ҳисобланади. Номзодлик имтиҳонида ўқиш, оғзаки ва ёзма (бу назоратнинг энг мураккаб ва масъулиятли шакли ҳисобланади) таржима қилишга оид тегишли маҳорат ва кўникмаларнинг якуний даражаси, вазифани тўлиқ ва аниқ тушуниб етиш ҳамда луғатдан фойдаланиш кўникмалари; танишув мақсадида ўқиш маҳорати ва кўникмалари ҳамда она тилида ўқилган материал мазмунини оғзаки баён этиш имконияти текширувдан ўтказилади. Бунда вазифада ёритилган, шунингдек аспирантлик курсида кўзда тутилган материалларни жалб этиш мумкин.

Аспирант (изланувчи)ни номзодлик имтиҳонига қўйиш тартиби

Аспирант (изланувчи)ни номзодлик имтиҳонига қўйишнинг асосий шарти унинг аудиториядан ташқари махсус ҳамда рўйхат дафтарида қайд этилган ижтимоий-сиёсий ўқишга оид вазифани топшириш ҳисобланади. Бунда изланувчи-экстерн танлаб текшириш учун ўзи чет тилида ўқиган адабиётларнинг камида 50% ини тақдим этиши лозим.

Ўқиб чиқилган адабиёт бўйича ҳажми 12-15 саҳифадан иборат, она тили ёки рус тилида ёзилган шарҳ (мавзули ёки йиғма) реферат, илмий раҳбарнинг рефератга берган тақризи тақдим этилиб, диссертация тадқиқоти йўналиши бўйича хориж тилида ўқилган манбалар мавжуд бўлганида, имтиҳонга киритиш мақсадида диссертант етакчи ўқитувчи томонидан ижобий аттестацияланади (баҳоланади).

Реферат сўнгги 3-5 йил мобайнида нашр этилган янги чет эл адабий манбалари асосида тайёрланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилади. Реферат аспирантнинг ўқилган материал асл моҳиятини очиқ бериш имкониятини ҳамда матнларга аннотация тузиш ва реферат олиш кўникма ва маҳоратларини кўрсатиб бериши лозим.

Реферат саводли тузилиб, компьютерда ёзилиб, титул варағининг бош қисмида илмий раҳбарнинг рефератга берган тақризи бўлиши шарт.

Реферат текширилиб, унинг илмий ютуқлари баҳоланганидан сўнг титул варағига аспирантнинг илмий раҳбари қўл қўяди. Рефератни чет тили етакчи ўқитувчиси ҳам имзолаб, у ишнинг мазмунан тўлиқ ва ишонарлилигини, ҳамда тилга оид хусусиятларини белгилаб беради.

Реферат номзодлик имтиҳонидан 1-1,5 ой аввал тақдим этилади. Етакчи ўқитувчи аспирантнинг барча талабларни бажарганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, кафедра мудирига аспирант (изланувчи) имтиҳонга тайёр эканлиги ва уни имтиҳонга қўйишга рухсат бериш мумкинлиги тўғрисида билдирги (рапорт) билан мурожаат қилади. Кафедра мудир тайёрланган аспирант (изланувчи)ларнинг номзодлик имтиҳонига қўйишга рухсат этилишини сўраб, ушбу рухсатномани ректор буйруғи билан расмийлаштириш мақсадида ректор номига умумий тақдимнома билан мурожаат қилади.

Номзодлик имтиҳони бир йилда икки маротаба – январь ва июнь ойларида, семестрлар тугалланиб, ташкилий талаблар бажарилганидан сўнг топширилади.

ГРАММАТИК-МИНИМУМ ДОИРАСИДА ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН МАВЗУЛАР

Инглиз тили

Содда гапларда сўз таркиби. Қўшма гап боғланган ва эргашган қўшма гаплар. Боғловчилар ва нисбий олмошлар. Эллиптик гаплар. Боғловчисиз эргаш гаплар. Субъектли ва субъектсиз тўлдирувчи пасив конструкциялар. Инфинитив функциялари: эга, аниқловчи, ҳол функцияларида келувчи инфинитив.

«Инфинитивли тўлдирувчи» обороти, инфинитивли тушум (объектли) келишиги; «инфинитивли эга» обороти (инфинитивли бош келишик); таркибли от кесимда (be – инф.) ва таркибли модал кесимда инфинитив;

«for + от инф.» тарзидаги оборот. Сифатдош функциялари: аниқловчи функциясида келувчи сифатдош ва аниқловчи сифатдош оборотлар; мустақил сифатдош обороти (мутлақ сифатдошли конструкция); Феълдан ясалган отнинг (герундий) функциялари: эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол функциясида: феълдан ясалган отли оборотлар.

Истак майли. Модал яеъллар – содда ва ўтган замон инфинитивли модал феъллар: should/would be типидagi феъл функциялари. Шарт гаплар. Атрибутив комплекслар (от занжирлари). Эмфатик (шу жумладан инверсияли) конструкциялар: do кучайтirma сифатли гаплар: there кириш сўз, is that инверсияли оборот.

Француз тили

Содда гапларда сўз тартиби. Қўшма гап: боғланган ва эргашган гап. Боғловчилар. Аниқ даражадаги шахсли феълларнинг қўлланиши. Феълнинг пасив шакли. Ўзлик даражадаги феъллар ва уларнинг маъноси. Шахсиз конструкциялар: avoir а – infinitive; etre а - infinitive; isser - infinitive; faire infinitive каби кўринишларидаги инфинитивли конструкциялар. Шахсиз феъл шакллари. Ҳозирги ва ўтган замон шаклдаги 5 инфинитив: олд кўмакчи билан қўлланувчи инфинитив: инфинитивли оборот. Ҳозирги замон сифтдоши; ўтган замон қўшма сифатдош шакли. Мутлоқ сифатдошли оборот. Шарт майли. Истак майли. Сифат ва равишларда қиёсий даража. Олмошлар: кишилик, нисбий, курсатиш олмошлари; средний род шаклидаги «le», ва «en», «d» шаклидаги олмош-равишлар.

Немис тили

Боғловчисиз эргашган қўшма гаплар, унинг мураккаб шакли. Аниқловчи функциясида келувчи сифатдош. Сифатларда қиёсий даража. Отнинг тушиб қолиши. Кўрсатиш олмошлари. Уюшиқ бўлакли гаплар. Инфинитив ва сифатдошли оборотларнинг турли функциялари. Sein ва haben-

zn-infin тарзли модал конструкциялар. Модал сўзлар, sein-partizip II тарзидаги утимли феълли конструкциялар. Шахссиз мажхул (пассив) даража. Боғловчилар, олд кўмакчилар, олмошлар ва равишларда кўп маънолилиқ ва синонимия.

Оғзаки нутқни ўстириш тематикаси юқорида белгиланган мавзуларни ўз ичига қамраб олади.

Тўлиқ курс учун назорат ишларининг тури бўйича танланган адабиётнинг умумий ҳажми тахминан 350000- 500000 босма белги (яъни 150-200 саҳифа)дан иборат бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДАБИЁТЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА

1. И.Н.Шахова и др. Курс английского языка для аспирантов. - М., 1980.
2. Е.Л.Власова и др. Everyday English for Scientists., -Л., 1996.
3. Каримова Н.Р., Ж.А. Саидова. Базовый курс английского языка для аспирантов. –Т., 2009.
3. Н.А.Бицадзе, Ц.Л.Рабкина. Сборник текстов и упражнений для развития навыков устной речи по английскому языку. Изд-во «Наука», –М., 1970.
4. Г.И.Абрамова, Л.И.Зильберман. Значение и функции некоторых внешне идентичных слов и грамматических конструкций. Изд-во «Наука», –М., 1969.
5. Т.Н.Мальчевская. Сборник упражнений по переводу гуманитарных текстов с английского языка на русский. Изд-во «Наука», -Л., 1970.
6. Е.Л.Власова. Е.Г.Лапшина, Э.Д.Фролькис. Everyday English for scientists. Изд-во «Наука», - Л., 1986.
7. Л.П.Ступин, А.Н.Лапицкий. Научная конференция. - М., 1989
8. N.R.Karimova, N.D.Shedrina. The golden fund of science. –Т., 2009.
9. М.Г.Рубцова. Обучение чтению. –М., «Наука», 1989.
- 10.О.В.Ковальницкая, И.К.Лихачева, О.Н.Труевцева. Русско-английские эквиваленты выражения величины. Изд-во «Наука», - Л., 1977.
- 11.Е.Л.Власова. Twenty texts for discussion. Изд-во «Наука», - Л., 1973.
- 12.А.Л.Пумпанский. Упражнения по переводу научной и технической литературы с русского языка на английский и с английского на русский. Изд-во «Наука», - М., 1966.
- 13.А.И.Черная Английские общенаучные тексты.– М., «Наука», 1969.
- 14.Т.Н.Михельсон, Н.В.Успенская. Сборник упражнений по основным разделам грамматики английского языка -Л., «Наука», 1978.
- 15.В.К.Борковская, С.Д.Костенко. Пособие по развитию навыков устной речи. –Л., 1995.
16. К.Н.Качалова, Е.Е.Израилевич. Практическая грамматика английского языка. -М., 2002.
17. B.D.Grover. Advanced English practice. - Oxford, 1993.

18. L.G.Alexandr. Longman English Grammar. –L., 1996.
19. World English Books 1-6. –Orlando, USA, 1996.

Л у г а т л а р :

1. O.S.Akhmanova.Russian-EnglishDictionary изд.«Советская энциклопедия», Москва , 1971
2. A.V. Kunin. English – Russian Phraseological Dictionary A.V, Moscow , 1984
3. В.К. Мюллер. Англо-русский словарь 70 000 слов, Москва, 1991
4. Poul Falla. The Oxford Russian Dictionary. English- Russian. Oxford , Moscow, 1999
5. Collins Cobuild. English Language Dictionary London & Glasgow, 1992
6. Longman . Advanced American Dictionary, new Edition, USA, 2007
7. Shavkat Butayev and Abbos Irisqulov. English - Uzbek. Uzbek- English Dictionary 70 000 words & expressions, Ташкент, 2008

ФРАНЦУЗ ТИЛИ БЎЙИЧА

1. Н.В.Бодко. и дрп. Сборник тематических текстов для изучающих разговорную речь. (Французский язык). –М., «Наука». 1982.
2. Р.Г.Быковская и др. Трудности перевода с французского языка на русский. –М., «Наука», 1967.
3. М.Б.Воробьева, Н.В.Гуцинская. Словарь сочетаний слов французского научного языка.0 –Л., «Наука», 1979.
4. В.Г.Гак, Ю.Г.Львин. Курс перевода. Французский язык (Общественно-политическая лексика). -М., Международная отношения, 1980.
5. Л.А.Караинская. Упражнения на лексические трудности французского научной литературы. –Л., «Наука», 1978.
6. И.И.Мугдусиева. Париж. Сборник текстов. –М., «Наука», 1969.
7. Попова И.Н., Казакова Ж.А., Кавальчук Г.М., Гуснина., Камаровская Г.Н. Учебник французского языка. –М., 2001.
8. Голубеева Н. Je sais les verbes francais. – М., 1981.
9. Казакова Н.Г. Subjonctif et le conditional en francais. –М. 1981.
10. Philippe Dominique, Jacky Girardet. Le Nouveau. Sans Frontieres 2-France, Fevrier, 1997.
11. Jacky Girardet, Jean – Marie Cridlig – Philippe Dominique. Le Nouveau. Sans Frontieres 3-Imprime en Italie – Juillet. 1996.
12. Michele Verdelhan – Michel Verdelhan, Philippe Dominique – Jacky Girardet Le Nouveau. Sans Frontieres 1-France 1-France, 1997.
- 13.Караева М., Литочевская Ю. Грамматика французского языка. (справочник). – Т., 1997.
- 14.Мативишин Г. Учебник французского языка для мед.вузов. – М., 1978.

15. Danilo M, Beatrice Tauzin. Le Francais de L'Enterprise. France, 1995.
16. Danilo M, Kite F, J-L. Penfornis. Le Francais de L'Enterprise. Livre 1997.

НЕМИС ТИЛИ БЎЙИЧА

1. Tastchachen uber Deutschland, Berlin Verlag, 2000.
2. Modernes Deutsch. – Минск, 1999.
3. Mittelstufe Deutsch. – Munchen Verlag, 2000.
4. Deutsch aktiv. – Berlin – Munchen Verlag, 1998.
5. Blick auf Deutschland. – Stuttgart, 1996.
6. Uzbekistan. – DAAD Verlag, 2001.
7. Deutsch als Fremdsprache. – Stuttgart, 2001.
8. Studen International. – Stuttgart, 2001.
9. Grundstuden Grammatik. –Verlag, 2001.
10. Gundkursus Deutsch. – Verlag fur Deutsch, Munchen, 1998.
11. Канишева Е.Л. Немецкий язык. –М., Просвещения, 1996.
12. Саидов С.Т. Грамматика немецкого языка. –Т., Укитувчи, 1992.
13. Носков С.А. Немецкий язык. Минск. Высшая школа, 1999.
14. Шепер Р. Основная курс «Deutsch», Бонн, 1999.
15. Куликова Т.В. Немецкий язык для делового общения. 1-часть. –М., Пр
16. освещение, 1996.
17. Экономический немецкий язык. Германия, институт Экономики Берлиню, 1997.
18. Экономика на слух. Германия, Goethe – Justitul, 2001.
19. Deutsche Ubungs Grommatik. М., VEB. 1998.
20. Краузе. Gecschaftskontakte, Берлин, 1999.